



**ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА
ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

II-ҚИСМ

МАВЗУСИДА ВАЗИРЛИК МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН



Тошкент — 2018

Холбеков А., ТМИ катта ўқитувчиси

ХУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.....

Хусанов М.С., ТДИУ катта илмий ходим-изланувчиси

UYISHMAGAN YOSHLAR BILAN ISHLASH JARAYONIDA, OILA TA'LIM MUASSASI VA

MAHALLA HAMKORLIGINI YANADA RIVOJLANTRISH.....

Shodmonova N., ТМИ talabasi

Ilmiy rahbar: To'laganova S.

IV-ШЎЪБА

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА
ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИ КЕКСАЛАР НАЗАРИДА.....

З.Давронов, ТМИ профессори, ф.ф.д.

А.Махаммадиев, ТМИ катта ўқитувчиси

**GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLARNING MA'NAVYI OLAMIGA YANGICHA G'OYAVIY-
MAFKURAVIY TA'SIRLARINING VUJUDGA KELISHI VA ULARDAN HIMOYALANISH
MASALASI.....**

Abdiyeva M.A., ТМИ talabasi

Ilmiy rahbar: Toshmuhammedova D., kata o'qituvchi

**БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА
ИЖТИМОЙ ФАНЛАРНИНГ УРНИ.....**

Хужаркулова Г., ТМИ талабаси

Илмий раҳбар: Туляганова С., катта ўқитувчи

AXBOROTLASHGAN JAM'IYATDA YOSHLARNING MA'NAVYI-AHQLOQIY TARBIYASI.....

Eshnazarov J., ТМИ talabasi

Ilmiy rahbar: Ziyoyev F., ТМИ dotsenti, t.f.n.

**PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA VA METODIKA HAQIDA TUSHUNCHA VA ULARNING BIR-
BIRIDANFARQLARI.....**

Gulomova A., Olmazor Politexnika kasb-hunar kolleji o'qituvchisi

**БАРКАМОЛ АВЛОД МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ
ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ.....**

Матякубов Х.Х., ТДПУ ўқитувчиси, т.ф.н.

**BARKAMOL AVLODNING MA'NAVYI-AHQLOQIY TARBIYASIDA IJTIMOYIY FANLARNING O'RNI
VA ROLL.....**

Abdusalilov T., ТМИ talabasi

Ilmiy rahbar: Muxammadiyev A., katta o'qituvchi

**ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ.....**

Норбоев А.О., ТДПУ катта ўқитувчиси

Мадаминава Н.З., ТДПУ таянч докторанти

**KASB-HUNAR KOLLEJLARIDA DARS OTISHNING INNOVATSION
USULLARIDAN FOYDALANISH.....**

Musayeva M., Olmazor Politexnika kasb-hunar kolleji o'qituvchisi

BARKAMOL AVLODNING MA'NAVYI-AHQLOQIY TARBIYASIDA IJTIMOYIY FANLARNING O'RNI

VA ROLL.....

Razakova Z.R.,

Ilmiy rahbar: B.

XORAZM MA

Qodirova M., T

Ilmiy rahbar: f.f.

YUKSAK TAR

TARBIYASIN

B.Xayitboyev, T

Ilmiy rahbar: S.

YOSHLARDA

DUNYOQARA

M.Abdiyeva, T

Ilmiy rahbar: t.f.

ИЖТИМОЙ

ЁНДАШУВНИ

Абдуллаев С. С

Хашимов А. Ш

БАРКАМОЛ А

ФАНИНИНГ У

Ф.Адиллов, ТМИ

ПРОЦЕСС ГУ

УЗБЕКИСТА

Махаммаджанов

Научный. руков

ЖАМИЯТДА

ЮКСАЛТИРИ

Кушаков Ф.А.,

ЁШЛАРДА М

ВАТАНПАРВА

Мухторов Ш., T

Илмий раҳбар: I

ЁШЛАР ТАРБ

Рахимбабаева Н

Қудратова У.Р.

ЗАМОНАВИЙ

РИВОЖЛАНТ

Т.Норбоев, ТМИ

СОВРЕМЕНН

Ирисметов Б.М.

МАЛАКАЛИ М

МУАССАСАЛ

Исматуллаев Ф.

Шуқуров Р., ТД

Қурбонов Н., ТД

МАРКАЗИЙ О

ЎРГАНИЛИШ

қилиш мумкин, деб ҳисоблаганлар ва шу сиёсатни изчиллик билан амалга оширишга интиланлар, уларнинг бу ҳаракатлари бежиз эмас эди. Чунки Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади»¹. Мустақилликни қўлга киритгандан кейин тарихий хотира ва диний қадриятларни тиклаш миллий тикланишнинг, ўзликни англашнинг муҳим омили сифатида устувор бўлиб келди. У миллий бирликни мустаҳкамлашда ва миллий тараққиётни янги босқичга кўтаришда амалий аҳамият касб этади.

Мустақил Ўзбекистоннинг юксалиши, ўзбек миллати гуллаб-яшнашининг тарафдори бўлган ҳар бир ўзбекистонлик фуқоро миллатлараро тотувлик, дўстлик қоидаларига содиқ бўлиши керак. Чунки мустақил давлатимизнинг келажаги биринчи навбатда, ўзбек халқининг миллий ўзлигини қанчалик англаб етганлигига ҳамда мамлакатимиз ҳудудида ўзбеклар ён-маён истиқомат қилиб турган ва бошқа миллат вакилларининг миллати, дини, тили ва эътиқодларидан қатъий назар, бир-бирининг кўнглини ола билишига, улар ўртасида дўстона муносабатларнинг ўрнатилишига боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий ватан билан алоқа ва муносабатларини боғлашга, миллий ҳистуйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиб берилган. Бу эса мамлакатнинг барқарор ривожланиш кафолатидир.

Хуллас, миллий ўзликни англашни ривожлантириш йўлида мустақилликни мустаҳкамлаш фидоий бўла оладиган, Ислон Каримов сўзлари билан айтганда, «Биз фидоий ватанпарварларни тарбиялашимиз», «Элим деб, юртим деб яшовчи, шу йўлда ҳатто жонини ҳам аямайдиган», «Ўзидан сўнг озод ва обод Ватан қолдирадиган» фарзандларни тарбиялашимиз замон ва мустақиллик талаби». Бунга юртимизда яшаётган ҳар бир киши миллатидан қатъий назар масъул бўлмоғи лозим. Ёшларимиз тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота боболарининг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг мен ўзбек фарзандиман, деб ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш маънавий тарбия ишмизнинг марказида турмоғи лозим.¹

Мустақиллигимизни абадийлаштиришга, обод ва озод Ватан, фаровон ҳаётни қуришига, мамлакатимизни жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлашга, ўзимизнинг жаҳон цивилизациясидаги адолатли ва муносиб ўрнимизни тиклашга эришамиз.

Миллий ўзлигимизни англашимиз авлод-аждодларимиздан қолган бой меросимизни ўзлаштиришимизга олиб келади. Бу фақат мустақиллигимизни мустаҳкамлаш вазибалари даражаси билан чегараланибгина қолмасдан, балки миллатимиз авлодининг ворислигини таъминлашга имкон беради. Демакки, бу вазибаларни амалга ошириб биз кейинги авлодларимиз олдидаги вазибаларимизни ҳам адо этган бўламиз. Шунинг учун ҳам миллий ўзлигимизни англашни ривожлантиришимиз бугунги куннинг ва истиқболнинг авлодлари олдидаги вазибаси эканлигини ҳар бир миллатимизнинг тушуниб етиши катта амалий аҳамиятга моликдир.

ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Хусанов М.С., ТДИУ катта илмий ходим-изланувчиси

Хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини ривожлантириш, соҳани модернизация қилиш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февраль «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли Қарори қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва вазибалари белгиланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Президентимизнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга оид бир қатор фармонлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. 11-бет.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. 11-бет.



бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида ўрин берилган⁴⁵.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантирмай туриб, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу масала ҳам алоҳида назарда тутилган. Дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эса ушбу секторда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада қулайлаштиришга қаратилган.

Юқорида келтирилган ушбу дастурларга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг шаҳарлар, туманлар бўйича ҳудудий дастурларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда ишлаб чиқилди ва тасдиқлаиб амалиётга жорий қилинди. Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилган:

хизматлар соҳаси тузилмасини янада такомиллаштириш, хизматларнинг замонавий турларини жадал ривожлантириш ва бозорни улар билан тўлдириш масаласи устувор қилиб белгиланган.

сервис инфратузилмасини ривожлантириш масаласи ҳам ўта устувор вазифалар сифатида белгиланган. Чунки ушбу масаланинг яхши йўлга қўйилиши иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга аҳолининг ҳам хизматларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида тўлиқ қондириш имконини ҳам беради.

қишлоқ аҳоли пунктларида хизматлар соҳаси ташкилотларини биринчи навбатда ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик субъектларини ҳамда соҳага оид касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларни хизматлар соҳасига кенг жалб этиш масаласи ҳам тегишли тарзда ҳудудий дастурларга киритилган.

Ушбу тадбирлар нафақат хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий жиҳатини, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам ошириши кўзда тутилган. Хусусан, ушбу ишни амалга ошириш эвазига аҳолини иш билан таъминлашни йўлга қўйиш, бандлик дастурини бажариш, аҳоли фаровонлигини ошириш каби масалалар ҳам паралел равишда ҳал қилиниб борилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Дастурнинг мақсадли параметрлари бажарилиши тўғрисидаги статистик ахборотни, шу жумладан қишлоқ жойлар бўйича кўрсаткичларни ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб боради. Бу эса, ўз навбатида вазифанинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имконини беради. Зеро, тезкор тарзда тегишли чора-тадбирларни қўллаш учун ахборотларнинг етарлилиги таъминланади.

Яна бир муҳим омиллардан бири бу – технологик тараққиёт ҳисобланади. У замонавий компьютер технологияларига асосланган хизматлар пайдо бўлишига асос бўлди.

Мамлакатимизда хизматлар соҳаси жадал раванқ топишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сон қарори муҳим аҳамият касб этди. Мазкур қарори ижросини таъминлаш мақсадида Наманган вилоятида зарур чора-тадбирлар кўрилиб, шу асосда бир қатор ишлар амалга оширилди ҳамда 500 дан ортиқ хизмат кўрсатиш марказлариташкил этилди. Шулардан:

- 351 та савдо ва умумий овқатланиш хизматлари маркази;
 - 190 та маиший хизматлар маркази;
 - 4 та молия хизматлари маркази;
 - 41 та соғлиқни сақлаш хизматлари маркази;
 - 4 та туризм хизматлари маркази;
 - 6 та алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари маркази;
 - 15 та транспорт хизматлари маркази;
 - 8 та қурилиш хизматлари маркази;
 - 20 та қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш марказлари
- ҳамда 100 дан ортиқ бошқа турдаги хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Буларнинг натижасида янги очилган иш ўринлар сони 4000 дан ортди.

Айни вақтларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аввало, аҳоли турмуш фаровон-

⁴⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Халқ сўзи 2017 йил 8 февраль.



лигини ҳар қачонгидан яхшилашда қўл келаяпти. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа жабҳалари қатори хизматлар кўрсатиш соҳасини ҳам давр талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда бу масалага устувор вазифалардан бири сифатида жиддий эътибор қаратилаёпти.

Zero, аҳолини моддий-маънавий ҳаёти сифатини оширишда ҳамда турмушини фаровонлаштириш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим ўрин тутади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда, унинг иқтисодий кудратини юксалтиришда, ижтимоий ҳаётини барқарорлаштиришда устувор вазифалардан бирига айланган.

UYISHMAGAN YOSHLAR BILAN ISHLASH JARAYONIDA, OILA TA'LIM MUASSASI VA MAHALLA HAMKORLIGINI YANADA RIVOJLANTRISH

Shodmonova N., TMI talabasi

Ilmiy rahbar: To'laganova S.

Ona yurtimizning mustaqilligini mustahkamlash, ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy tarbiya va boshqa ko'plabsohalarda o'tkazilayotgan islohotlarining taqdiri, yurtimizning buyuk kelajagini barpo etish fuqarolarning, ayniqsa barkamol yosh avlodning ma'naviy-axloqiy tarbiyalanganlik darajasiga, yuksak ongiligi, ijtimoiy faolligiga bevosita bog'liq. Shu bois davlatimiz mustaqillikining dastlabki kunlaridan boshlab ma'naviy-axloqiy tarbiya masalalariga davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida alohida e'tibor qaratib kelmoqda. Albatta bu ishni birinchi navbatda oiladan boshlash kerak. Chunki oila-jamiyatning tayanchi. Farzandlarimiz ongida Ona yurtigamuhabbat, sadoqat tuyg'ulari oilada, yashab turgan mahallada shakllanadi. Jonajon O'zbekistonimizning ertangi kuni va porloq kelajagi, tinch va farovon hayot yo'li mana shu kichik bir jamiyatda ulg'ayayotgan farzandlar qo'lidadir. Kelajakda yurtga nafi tegadigan yetuk kadr bo'lib yetishishida oilada olingan tarbiyaning o'rni juda katta hisoblanadi zeroki xalqimiz "Qush uyasida ko'rganini qiladi" deb bekorga aytmagan. Har bir yosh avlod o'zini o'rab turgan jamiyatdagi har bir narsadan o'rnak oladi. Oila, odob-axloq va ta'lim-tarbiyaga e'tibor qon-qonimizga singib ketgan burchlarimizdandir. Har bir oila biron-bir tadbir o'tkazmoqchi bo'lsa, avvalo mahallabilan maslahatlashishga, turli xil muammolarni shu yerda hal qilishga harakat qilganlar. Shuning uchun ham milliy qadriyat beshigi hisoblanadi yillar davomida mahallalarda yangi yangi ma'naviy, ilmiy qadriyatlar vujudga kelgan, shakllangan va rivojlangan, xalqimizning turmush tarziga singib borgan "Bir bolaga yetti qo'shni ota-ona" degan ibratli maqol ham aynan xalqimizga xos. Mana shu maqolning o'zi ham yosh avlod tarbiyasi, oilaparvarlik biz uchun nechog'lik muhim ekanini bildiradi. Mahalla ahli, ayniqsa keksalar ko'chada nobop ish qilayotgan bola oldidan hech qachon beparvo o'tib ketmagan, shu zahotiy oq tanbeh berib to'g'ri yo'lga chaqirgan. Zero, har tomonlama chiroyli, odobli, go'zal xulqli bo'lish, nafsni poklashga buyuruvchi muqaddas dinimiz oilaga katta ahamiyat beradi. Oiladagi muhit ota-ona o'z ma'suliyatlarini his qilishi bilan barqaror bo'ladi. Yosh avlodning odobli bo'lib ulg'ayishi uchun ota-ona bilan bir qatorda mahalla-kuy ham katta ibrat maktabidir. Yosh avlodni tarbiyalayotgan ota-ona har bir harakati, yurish turishi, muomala madaniyati, boshqalar bilan o'zaro munosabatida olijanob sifatlarini namoyon eta bilishi kerak. Chunki yosh avlod tabiatan nihoyatda taqlidchan va kuzatuvchan bo'ladi. Shuning uchun uning atrofdagilari o'z odatlari bilan ba'zan o'zlari sezmagani holda ularga ta'sir qiladilar. Oiladagi qo'pol munosabatlar, ko'p yolg'on gapirish, yoqimsiz xatti-harakat bola tarbiyasiga salbiy ta'sir qiladigan nosog'lom muhitni keltirib chiqaradi. Yosh avlodni tarbiyasida ota-onaning muomalasi muhim o'rin tutadi. Bu esa o'z navbatida oiladagi nosog'lom muhitda tarbiyalanayotgan boladan "ma'naviy kasal" insonlar shakllanadi. Ular esa jamiyat ma'naviyatiga ham salbiy ta'sir ko'rsatadi. Oilada ota-onalar "ommaviy madaniyat" ta'siriga berilib ketishi oqibatida farzandlarning tarbiyasiga ham salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Yoshlar ongini zaharlashga qaratilgan turli tahdidlar, ma'naviy xurujlar avj olgan bugungi murakkab sharoitda xushyorlik va ehtiyotkorlik zarurligini barchamiz angladik va his etib turibmiz. Chunki "ommaviy madaniyat" niqobi ostida yoshlar qalbiga chuqurroq kirib ularning ma'naviyatini zaharlashga o'rinayotgan "kuch"lar har birimizni tashvishga solmoqda birinchi prizidentimiz I.Karimov "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" asarida, "Tabiiyki, "ommaviy madaniyat" degan niqob ostida axloqiy buzulqik va zo'ravonlik,